

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ  
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ  
А Ж Р И М И

2019 йил 23 декабрь куни, Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: И.Рахманкулов,

ҳайъат судьялари: Н.Бобохонова ва Ш.Тожиевдан иборат таркибда,  
Х.Нодирбековнинг котиблигида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори Ш.Абдиев, ҳимоячи Ш.Собировнинг иштирокида,

оид жиноят ишини судланган Р.М.ва Т.М.томонидан берилган шикоятлар асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят Пскент туман судининг 2016 йил 5 майдаги ҳукмига кўра:

туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2005 йил 6 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 118-моддасининг 4-қисми билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2008 йил 11 ноябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2008 йил 28 августдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорини 4-бандига асосан жазодан озод қилинган, ЖКнинг 77-78-моддаларига асосан судланганлик ҳолати тугалланган, вақтинча ишсиз,

яшаган, 2016 йил 20 январдан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган Юсупов Равшанбек Рўзимухаммадовичга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туман судининг 2004 йил



2 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а,в” бандлари, 127-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, 3 йил синов муддати белгиланган, жазони тўлиқ ўтаган, ЖКнинг 77,78-моддаларига асосан судланганлик ҳолати тугалланган, вақтинча ишсиз, Тошкент вилояти,

рўйхатда туриб,

маҳалласида яшаган, 2016 йил 20 январдан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган Маулянов Рустам Турсунбаевичга

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам Тошкент шаҳар судининг 2000 йил 18 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддаси 2-қисмининг “ж,и,л,п” бандлари, 25,97-моддаси 2-қисмининг “а,ж,л,о,п,р” бандлари, 164-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 19 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 августдаги “Амнистия тўғрисида”ги Фармони 9-моддаси “б” бандига асосан ўталмаган жазо муддати 3/1 қисмига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 августдаги “Амнистия тўғрисида”ги Фармони 7-моддаси “б” бандига асосан ўталмаган жазо муддати 3/1 қисмига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 декабрдаги “Амнистия тўғрисида”ги Фармони 6-моддаси “б” бандига асосан ўталмаган жазо муддати 5/1 қисмига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 декабрдаги “Амнистия тўғрисида”ги Фармони 6-моддаси “б” бандига асосан ўталмаган жазо муддати 5/1 қисмига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 декабрдаги “Амнистия тўғрисида”ги Фармони 7-моддаси “б” бандига асосан ўталмаган жазо муддати 5/1 қисмига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорини 6-банди “а” кичик бандига асосан ўталмаган



жазо муддати 4/1 қисмига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги “Амнистия тўғрисида”ги Қарорини 7-банди “б” кичик бандига асосан ўталмаган жазо муддати 4/1 қисмига қисқартирилган, 2007 йил 16 февралда жазони тўлиқ ўтаб чиққан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 77,78-моддаларига асосан судланганлик ҳолати тугалланган, вақтинча ишсиз,

рўйхатда туриб,

маҳалласида

яшаган, 2016 йил 20 январдан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган Мавлонов Турғун Турсунбоевичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 28 июндаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Р.Ю., Р.М.ва Т.М.кўп миқдорда гиёҳванд воситасини жиноий йўл билан қўлга киритиб, сўнгра мижоз топиб сотиш ҳақида ўзаро жиноий тил бириктириб, режага кўра, судланувчи Р.Ю. Тошкент вилояти, Бўка тумани ҳудудининг дала ерларида ёввойи ҳолда ўсган наша гиёҳванд воситасини териб жиноий шериклари судланувчи Р.М.ва Т.М.ларга ўтказиш бўлган, ўз навбатида судланувчи Р.М.ва Т.М.лар ушбу жиноий йўл билан қўлга киритилган гиёҳванд воситаларини ўзлари мижоз топиб сотиш ва кўрилган фойдани ўртада тенг бўлишга келишганлар.

2015 йил 2 октябрь куни судланувчи Р.Ю. кўп миқдордаги гиёҳванд воситасини ўтказиш учун Тошкент вилояти, Бўка тумани, Бўстон жамоа хўжалиги 2-бўлим ҳудудидаги дала майдонларида ўзи ўсиб чиққан наша гиёҳванд воситаларини териб олиб, полиэтилен пакетларга жойлаштириб, ўтказиш учун тайёрлаб қўйиб, жиноий шериклари судланувчи Р.М.ва Т.М.ларга олиб кетиш учун хабар беришган ҳамда шу куни судланувчи Р.М.ва Т.М.лар ушбу гиёҳванд воситасини қўлга киритиб, жиноий режага асосан мижоз топиб сотишлари учун олиб кетишга Тошкент вилояти Бўка туманига борганлар.

2015 йил 2 октябрь куни соат 23:30 да Тошкент вилояти, Бўка тумани, Бўстон жамоа хўжалиги ҳудудида судланувчи Р.Ю. жиноий режага асосан полиэтилен пакетга жойлаштирилган кўп миқдордаги гиёҳванд воситаларини судланувчи Р.Мавуляновга ўтказиб ўзи воқеа жойидан яширинган.

Судланувчи Р.М.кўп миқдордаги гиёҳванд воситасини акаси судланувчи Т.М.га олиб келаётган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланиб, судланувчи Р.М.қўлида бўлган “Alokozay” ёзувли полиэтилен пакет холислар иштирокида кўздан кечирилган вақтда, пакет ичида икки дона қора рангли целлофан пакетларга алоҳида қадоқланган ҳолатдаги оч яшил рангли, ўткир хидли, ўсимликсимон, гиёҳванд воситасига



ўхшаш моддалар борлиги аниқланиб, далилий ашё тариқасида олинган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2015 йил 3 октябрдаги 612-сонли хулосасига кўра, судланувчи Р.Мауляновдан олинган модданинг умумий вазни 1019,8 грамм миқдорда бўлган “марихуана” гиёҳвандлик воситаси эканлиги аниқланган.

Р.М.ва Т.М.шикоятларида суд қарорларини ўзгартириб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, жазони енгиллатиш сўралган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича Олий суд судьяси Ш.Тожиевнинг маърузасини, прокурор Ш.Абдиевнинг суд қарорларини ўзгаришсиз, келтирилган шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдириш, ҳимоячи Ш.Собировнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, шикоятни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Суд, иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Р.Ю. ва Т.М.нинг айби исботлангани ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, бироқ уларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатоликка йўл қўйган.

Судлар ишни кўришда, ЖПКнинг 22,23,463, 467-моддаларида белгиланган талабларига, жумладан, ҳақиқатни аниқлаш, айбсизлик презумпцияси принципларига ҳамда айблов ҳукми чиқариш асосларига риоя қилмасдан, ҳукмда суднинг судланувчига нисбатан хулосасига асос бўлган далиллар ва суднинг бошқа далилларни рад этиш сабабларини ёритмаган, судланувчининг кўрсатувларини, ҳар бир далилни ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоламаган ҳолда айблов ҳукми чиқаришда тахминларга асосланган.

Бу ўринда, Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 16-бандидаги айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, 21-бандидаги айблов ҳукмининг тавсиф қисмида, судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, 24-бандидаги суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жинойий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Жиноят иш ҳужжатларига кўра, 2015 йил сентябрь ойида Т.М.Р.Ю.нинг деҳқончилик билан шуғулланиб келган ер майдонига келиб, унга бу ерларда гиёҳвандлик воситаси бўлса истеъмол қилиши учун топиб беришини сўраб, агар топадиган бўлса, укаси Р.М.орқали унга алоқага чиқишини айтиб кетган, сўнг Р.Ю. у ишлаётган далада ёввойи ўсиб ётган наша гиёҳвандлик воситаси борлигини кўриб, бу ҳақида Р.Мауляновга хабар бериб, кейин иккаласи ёввойи ўсиб ётган наша ўсимлигини баргидан юлиб олиб, кўритиб истеъмол қилишгач, Р.М.бу ҳақида акаси Т.М.га хабар беради. Шундан сўнг 2015 йил 2 октябрь куни Т.М.кира билан шуғулланувчи таниши Х.Адиловни “Ваз-2107” русумли автомашинасида Р.Ю.ни яшаш хонадонига келиб, гиёҳвандлик



воситасини истеъмол қилиб кўришини айтганида, укаси Р.М.улар чакиб кўрганлигини, гиёҳвандлик воситасини сифати яхшилигини билдиргач, Т.М. 450.000 сўмга сотиб олишини айтади, шунда Р.Ю. Т.М.ни таклифига рози бўлиб, Т.М.ни ўша ерда қолдириб, Р.М.билан далага бориб, ёввойи ўсиб ётган гиёҳвандлик воситасини баргидан териб целлофан пакетга солиб, Р.Мауляновни кўлига бериб, даладан чиқиб келишаётганида, Т.М.ни олдида ИИБ ходимлари туришганини кўрган Р.Ю. воқеа жойидан қочиш кетган, сўнг ИИБ ходимлари томонидан Р.Мавляновни кўлидаги целлофан пакет кўздан кечирилиб, Р.М.ва Т.М.ушланиб, уларга нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 25-бандида “Айбдорда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб кўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозим. Бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар киради. Иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши керак”лиги;

20-банди 3-хатбошида “Дастлабки тергов органлари ва судлар ҳар бир иш бўйича гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллашдан кўзланган мақсадни аниқлашлари зарур. Бундай восита ёки моддаларни эгаллаш уларни келгусида ўтказиш (сотиш) учун содир этилганлиги аниқланган тақдирда, айбдорнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд сифатида кўшимча равишда ЖК 25,273-моддаси билан квалификация қилиниши керак” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришлар ҳамда мазкур қарорнинг 21-банди 4-хатбошида “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш ЖК 273-моддасининг бешинчи қисми билан квалификация қилиниши лозим. Мазкур восита ёки моддаларни кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш ЖК 273-моддасининг бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлиш”лиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Шунга кўра, гиёҳвандлик воситалари фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилгани ўзи айбдорни гиёҳвандлик



воситаларини айнан ҳақ эвазига ўтказишга суиқасд қилганликда айблаш учун етарли далил ҳисобланмайди.

Чунки, Т.М.дастлаб олинган тушунтириш хатида ҳамда гумон қилинувчи ва айбланувчи сифатида сўроқ қилиш баённомаларида ҳам Р.Ю.дан сотиб олаётган гиёҳвандлик воситасини келажақда ўзини истеъмоли учун олмоқчи бўлганлигини таъкидлаб келган, бу ҳолатни Р.Ю.ни кўрсатувларида ҳам кўриш мумкин. Фақат Р.М.кўрсатувида акаси Т.М.қўл телефонига қўнғироқ қилиб, Р.Ю.да гиёҳвандлик воситаси борлигини, агар сотиб олувчилар бўлса, Р.Ю.дан ушбу моддани сотиб олиш кераклигини айтганлигини билдирган бўлса-да, Т.М.укасини бу кўрсатувини тан олмасдан, укаси шундай деган бўлса ҳам у гиёҳвандлик воситасини ўзини истеъмолига олаётганлигини билдирган.

Судлов ҳайъати, қайд этилганларга кўра ҳамда Т.М.ни гиёҳвандликдан даволанишга муҳтож эканлигини инобатга олиб, у томондан гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиш аломати тасдиқланмаган деб ҳисоблаб, унинг ҳаракатларини гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда олишга суиқасд қилган деб баҳолаб, ЖК 25,273-моддасининг 2-қисмига қайта квалификация қилиш лозим деб топди.

ЖПК 482-моддасининг 2-қисмида суд шикоят ёки протестда баён этилган важлар билан чегараланмасдан, ишни барча маҳқумларга, шу жумладан шикоят бермаган ҳамда устидан шикоят ёки протест билдирилмаганларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширилиши белгиланган.

Судлов ҳайъати Р.Ю. томонидан шикоят келтирилмаган бўлса-да, юқоридаги қонун талабидан келиб чиқиб, унинг жиноий ҳаракатини квалификация қилинган ҳолатини муҳокама қилишни лозим деб ҳисоблайди.

ЖКнинг 25-моддасига кўра “Қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилади” деб белгиланган.

Суд мажлисида аниқланган ҳолатлар ҳамда дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, Р.Ю. ва Р.Мауляновлар Т.М.га гиёҳвандлик воситасини 450.000 сўмга сотиш ҳақида келишиб, Р.М.билан далага бориб, ёввойи ўсиб ётган гиёҳвандлик воситасини баргидан териб целлофан пакетга солиб, Р.Мауляновни кўлига бериб, даладан чиқиб келишаётганида, Т.М.ни олдида ИИБ ходимлари туришганини кўрган Р.Ю. воқеа жойидан қочиш кетиши ҳамда Р.М.ва Т.М.лар ИИБ ходимлари томонидан ушланганликлари натижасида, Р.Ю. ва Р.М.жиноий ҳаракатларини ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказа олмаганлар.

Суд юқоридаги қонун талаби ва аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, Р.Ю.нинг жиноий ҳаракатини ЖК 273-моддасининг 5-қисмидан шу Кодекс 25,273-моддасининг 5-қисмига қайта квалификация қилишни лозим деб топди.

Шунингдек, суд Р.М.ҳаракатларини тўғри квалификация қилиб, ЖКнинг 7 ва 8-моддаларида белгиланган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорида



берилган тушунтиришларга риоя қилиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларини инобатга олиб, қонун доирасида жазо тайинлаб, қонуний тўхтамга келган.

Олий суд Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Жиноят ишларини назорат тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 23-бандида, ЖПКнинг 484-моддасида, суд қарорлари бекор қилиниши ва ўзгартирилиши учун умумий асослар белгиланган бўлиб, назорат инстанцияси суди, йўл қўйилган кам-кўстлар тўлдирилганидан сўнг квалификация ўзгартирилиши зарурлиги ҳақида хулосага келса, суд қарорлари ўзгартирилиши шартлиги, 23-бандида, назорат инстанцияси суди ҳукми ўзгартириш учун асослар мавжуд бўлганда, қилмишни ЖКнинг бошқа моддасига қайта квалификация қилишга, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкцияси доирасида жазо миқдорини камайтиришга ҳақли эканлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати суд қарорларининг Р.Ю. ва Т.М.га оид қисмини ўзгартириб, Р.Ю.нинг ҳаракатини ЖК 273-моддасининг 5-қисмидан шу Кодекс 25,273-моддасининг 5-қисмига қайта квалификация қилиб, жазони ўзгаришсиз қолдиришни, Т.М.нинг ҳаракатини эса ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмидан 25,273-моддасининг 2-қисмига қайта квалификация қилиб, жазо тайинлашни, суд қарорларининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 491, 496, 521-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

\_\_\_\_\_ нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят Пскент туман судининг 2016 йил 5 майдаги ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 28 июндаги ажрими ўзгартирилсин.

Р.Ю.нинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисмидан ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмига квалификация қилиниб, тайинланган жазо ўзгаришсиз қолдирилсин.

Т.М.нинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисмидан ЖК 25,273-моддасининг 2-қисмига квалификация қилинсин ва шу модда билан 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Т.М.нинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарори 6-бандининг “а” кичик бандига асосан ўталмаган жазо муддати учдан бир қисмига қисқартирилсин.

Суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Т.М.шикояти қаноатлантирилиб, Р.Мавляновнинг шикояти



қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи: \Имзо\ И.Рахманкулов

Ҳайъат судьялари: \Имзо\ Н.Бобохонова

\Имзо\ Ш.Тожиев

Ажрим нусхаси аслига тўғри:  
Олий суд судьяси

Ш.Тожиев

